

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Неъматжонов Илёсбек Нуруллоевич**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20676128>

**Аннотация.** Ушбу мақолада хотин-қизлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-иқтисодий, маънавий-психологик ва ҳуқуқий омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда махсус профилактиканинг аҳамияти, мазкур йўналишда профилактика инспекторлари, хотин-қизлар фаоллари ва бошқа субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари ёритилган. Тадқиқот натижалари асосида хотин-қизлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** хотин-қизлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, махсус профилактика, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий реабилитация, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахс.

Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда оила институтини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш ва ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш жараёнида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ амалга оширилаётган кенг кўламли чоратadbирларга қарамасдан, хотин-қизлар томонидан содир этиладиган айрим ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар профилактика соҳасида долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг асосий вазифаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишдан иборат. Шу нуқтаи назардан хотин-қизлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ташкил этиш жамият ҳаётидаги муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Зеро, ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани каби, хотин-қизлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ҳам уларнинг ижтимоий мақоми, оилавий аҳволи, психологик ҳолати ва турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлади.

Таниқли криминолог олим В.Н.Кудрявцев ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишида ижтимоий муҳит муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, профилактик фаолият ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейинги таъсир чораларига нисбатан самаралироқ эканлигини қайд этади [1, 84-б.]. Ушбу илмий қараш хотин-қизлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки амалиёт таҳлиллари мазкур ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти муайян ижтимоий муаммолар, оилавий келишмовчиликлар, иқтисодий қийинчиликлар ёки маънавий-психологик босим таъсирида содир этилишини кўрсатмоқда.

С.С.Алексеев ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, шахснинг ҳуқуқий тарбияси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди [2, 216-б.]. Мазкур фикр хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлигини кўрсатади.

Хотин-қизлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи омиллар турлича бўлиши мумкин. Хусусан, оилавий низолар, ишсизлик, моддий етишмовчилик, ажримлар, маънавий тушкунлик, ташқи салбий таъсирлар, интернет тармоқларидаги ахборот хуружлари ҳамда ҳуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги шулар жумласидандир. Айрим ҳолларда аёлларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишига нисбатан зўравонлик қурбони бўлиши, оғир ижтимоий аҳволда қолиши ёки турли руҳий босимлар таъсирида қарор қабул қилиши сабаб бўлади.

Профессор М.Х.Рустамбаев жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди [3, 243-б.]. Унинг фикрича, профилактика фақат ҳуқуқий таъсир чоралари билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий, маънавий ва психологик механизмларни ҳам қамраб олиши лозим. Бу қараш хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.




Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида хотин-қизлар билан манзилли ишлашнинг самарали механизмлари шакллантирилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари институтининг жорий этилиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлаш тизимининг яратилиши ҳамда «Аёллар дафтари» механизмининг амалга киритилиши мазкур соҳада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ мазкур механизмлар имкониятларидан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасида янада самарали фойдаланиш зарурияти сақланиб қолмоқда.

З.М.Исломов ҳуқуқий маданият даражаси жамият тараққиётининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланишини таъкидлаб, ҳуқуқий тарбия ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг муҳим воситаларидан бири эканлигини қайд этади [4, 175-б.]. Шу нуқтаи назардан хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини тизимли ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ҳуқуқий онгини шакллантириш махсус профилактиканинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Хотин-қизлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасида профилактика инспекторининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунки айнан мазкур мансабдор шахс хизмат ҳудудидаги криминоген вазиятни таҳлил қилади, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлайди, улар билан индивидуал профилактика чораларини амалга оширади ва тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни таъминлайди. Профилактика инспекторининг хотин-қизлар фаоли, маҳалла раиси, таълим муассасалари ва ижтимоий хизматлар билан ҳамкорликда иш олиб бориши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини оширади.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган хотин-қизлар билан ишлашда ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашув талаб этилади. Бунда шахснинг оилавий аҳволи, турмуш шароити, психологик ҳолати, ижтимоий муҳити ва ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари чуқур ўрганилиши лозим. Мазкур маълумотлар асосида манзилли профилактик чора-тадбирлар белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, мазкур соҳада профилактик фаолият самарадорлигини ошириш учун «Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш дастури»ни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур дастур доирасида ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган аёлларни касб-хунарга ўқитиш иш билан таъминлаш,



психологик ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш назарда тутилиши лозим. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этишга хизмат қилади.

Шунингдек, профилактика инспекторлари фаолиятига хотин-қизлар билан ишлашнинг махсус электрон мониторинг тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу тизим орқали ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил аёллар ҳақидаги маълумотлар, амалга оширилган профилактик тадбирлар ва уларнинг натижаларини баҳолаш имконияти яратилади. Бу эса профилактик таъсир чораларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ташкил этиш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ва маънавий таъсир чораларини уйғунлаштириш, профилактика инспекторлари ва бошқа субъектлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайитириш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда оилалар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Кудрявцев В.Н. Причины правонарушений. – Москва: Юридическая литература, 1976. – 286 с.
- 2.Алексеев С.С. Теория права. – Москва: БЕК, 1995. – 320 с.
- 3.Рустамбаев М.Х. Криминология. – Тошкент: ТДЮУ, 2021. – 512 б.
- 4.Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2018. – 416 б.

